

Автокредит шартномаси
(намунавий шакли)

Кредит **тўлик**
қиймати
(_____) % **ни**
ташкил этади.

_____ ш.

“ ” _____ 20__ йил.

Бундан буён шартнома матнида “Банк” деб юритилувчи АТБ “Универсал банк”нинг номидан Низом ҳамда Ишончнома асосида иш юритувчи Банкнинг _____ филиали раҳбари бир томондан ҳамда бундан буён матнда “Қарздор” деб юритилувчи _____ йил “ ” _____ да _____ туғилган, ҳозирда _____ да истиқомат қилувчи, _____ йил “ ” _____ да _____ томонидан берилган _____ серияли _____ рақамли паспортга эга бўлган фуқаро _____ иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Банк Қарздорга Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган енгил автомобиль сотиб олиш учун молиявий истеъмол кредити (кейинги ўринларда–кредит) бериш мажбуриятини, Қарздор эса олинган кредит маблағларини белгиланган муддатда қайтариш ва кредитдан фойдаланганлиги учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

2. Кредит шартлари

2.1. Кредит суммаси: _____ сўм.
(сўз ва рақам билан)

2.2. Кредитдан фойдаланиш муддати: _____ ой.

1.1. Кредит бўйича бўйича асосий қарзни қайтариш муддатлари жадвали (графиги) шартномага Илова қилинади:

2.3. Кредит бўйича йиллик фоиз ставкаси: йиллик _____ фоиз (ўзгармас, дифференциал ёки аннуитет).

2.4. Фоизларни тўлаш муддати: ҳар ойнинг _____ санасига қадар.

2.5. Кредитнинг мақсади ва объекти: истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида _____ русумли енгил автомобиль сотиб олиш.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Банкнинг мажбуриятлари:

3.1.1. Қарздорга барча зарур ҳужжатлар расмийлаштирилиб, банкка тақдим этилганда мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва шартларда кредит ажратиш.

3.1.2. Ажратилган кредитни ҳисоблаш учун Қарздорга ссуда ҳисоб рақамини очиш ва у орқали шартномада кўрсатилган мақсадлар учун маблағларни ўтказиш тўғрисидаги қарз олувчининг ёзма топшириқларини бажариш.

3.1.3. Қарздорни Банк томонидан ажратилган кредитни муддатидан олдин ундириш асослари ва сабаблари ҳақида хабардор қилиш.

3.1.4. Мазкур шартномага қарздорнинг ҳуқуқларини чекланишига ва/ёки мажбуриятларини оширилишига олиб келувчи ўзгартиришларни бир томонлама киритмаслик.

3.1.5.

3.2. Қарздорнинг мажбуриятлари:

3.2.1. Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда тўлаб бориш.

3.2.2. Кредитдан фақат мазкур шартномада кўрсатиб ўтилган мақсадларда фойдаланиш.

3.2.3. Кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитлашнинг асосий тамойиллари: муддатлилик, қайтаришлилик, мақсадлилик, тўловлилик ва таъминланганлик талабларига риоя қилиш.

3.2.4. Банк ходимларига мақсадли (кредитдан мақсадли фойдаланиш ва товарнинг бутлиги масалалари бўйича) текшириш, мониторинг ўтказишлари учун рухсат бериш. Мақсадли текшириш ва мониторинглар муддати қарздорнинг розилигисиз Банк томонидан белгиланади.

3.2.5. Қарздорнинг иш жойи, яшаш манзили, фамилияси, исми, алоқа рақамлари ўзгарганда ёки бошқа ҳолатлар мазкур шартнома шартларини бажаришга ҳалақит берса, 10 кун муддат ичида Банкни ёзма равишда тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилиш.

3.2.6. Мазкур шартнома кучда бўлган даврда ва Қарздорнинг мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш имкониятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар бўлса, Банкни олдиндан хабардор қилмасдан, Қарздор бошқа банклардан ҳамда товар кредити берувчи ташкилотлардан кредит ва қарз олиш, учинчи шахсларнинг кредиторлари олдида кафил бўлмаслик.

3.2.7. Кредит олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар тўплами тўлиқ расмийлаштирилгунга қадар автомашина қийматининг камида __ % миқдоридаги пул маблағларини белгиланган тартибда олдиндан тўлов учун Банкда Қарздор номига очилган жамғарма омонат ҳисобварағига жамлаш ёхуд бевосита автомашина қийматининг камида __ % миқдоридаги олдиндан тўловни таъминотчининг ҳисоб рақамига амалга ошириш.

3.2.8. Кредит ҳисобига сотиб олинаётган автомобиль Қарздор номига расмийлаштирилгандан кейин, 10 иш куни ичида, автомобилни кредитнинг бутун даврига суғурталаб, гаровга қўйишни таъминлаш.

3.2.9. Кредит ҳисобига сотиб олинаётган автомобиль гаровга қўйилгунга қадар мазкур шартноманинг 5.1-бандда назарда тутилган таъминот тақдим этиш.

3.2.10. Қарздор қўйидагиларни тасдиқлайди ва кафолатлайди:

- Қарздор олинган кредит маблағларини ўз вақтида қайтариш ва кредитдан фойдаланганлиги учун фоизларни ўз муддатида тўлаш, яъни ушбу шартнома шартларини лозим даражада бажариш мажбуриятини олади.

- кредитни расмийлаштириш ва олиш учун Банкка тақдим этилган/этиладиган барча ҳужжат ва маълумотлар, уларни тақдим этиш вақтида ҳақиқий ва ишончли ҳисобланади.

- қарздорлик муаммога айланганда ва ўз муддатида тўланмаганда, унинг сўндирилиши юзасидан амалий ёрдам сўраб, Қарздорнинг иш жойи, яшаш жойидаги МФЙ ва яқин қариндошларига ҳамда автомашинани кредит таъминоти сифатида гаровга олинишини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотлар (ИИБ, ИИБ ЙХХБ ТРИБ, нотариал идоралар)га Банк томонидан ҳар қандай шаклда мурожаат этиши(сўров юбориши)га ўз розилигини беради ҳамда бу ҳолат банк сирини ошкор қилиш деб ҳисобланмайди.

- Қарздорнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши, Қарздорнинг мазкур шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган жавобгарлигини келтириб чиқаради.

3.2.11. Тўлов графиги бўйича тўлов кунидан 1 кун олдин кредит тўлови хақида огохлантирувчи СМС хабар жунатилишига

а) Қарши эмасман (имзо)

Қаршиман (имзо)

б) SMS хабар юбориш учун тақдим этилган мобил телефон рақами ўзгарганда ушбу ўзгариш ҳақида банкни хабардор қилиш ва янги мобил телефон рақамини банкка тақдим этиш;

в) Мижоз мобил телефон рақами ўзгарганлиги ҳақида банкни ўз вақтида огоҳлантирмаганлиги сабабли келиб чиқадиган яъни, SMS хабар банкка берилган дастлабки телефон рақамидан янги фойдаланувчига юборилганлиги оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар учун жавобгар;

3.2.12. Қарз олувчи/қўшимча қарз олувчи мазкур кредит шартномаси юзасидан вужудга келадиган кредит қарздорлигини (асосий қарз, кредит қолдиғига ҳисобланган фоиз, юқори фоиз, пеня ва бошқалар) қоплаш учун номига очилган пластик карточкасидан акцепсиз равишда ечиб олинишига;

а) Қарши эмасман (имзо)

Қаршиман (имзо)

3.3. Банкнинг ҳуқуқлари:

3.3.1. Шартнома амалда бўлган даврда, қарздорнинг тўловга лаёқатсизлик ҳолатлари аниқланганда, қарздор томонидан кредитни қайтариш таъминоти сифатида гаров мулкани тақдим этмаса, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда, шартнома имзолангандан кейин тақдим этилган кредитнинг қайтарилишига таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланганда ҳамда кредит қайтарилишининг тaminланиши 125 %дан камайганда, Банкнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кирганидан сўнг Қарздор томонидан кредитдан 1 ойдан кўп муддат давомида фойдаланилмаганда ушбу шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортиш.

3.3.2. Шартноманинг амал қилиши жараёнида ажратилган кредитга тегишли бўлган ҳолатларни (кредитдан мақсадли фойдаланиш, кредитнинг таъминланганлиги, кредитга лаёқатлилиги, гаровга куйилган мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидаларига риоя этиш ва бошқалар) таҳлил қилиш.

3.3.3. Кредит маблағи ажратилганидан сўнг, бевосита қарздор ва/ёки кредит ҳисобига сотиб олинган автомашина жойлашган ерда мақсадли текширишни амалга ошириш.

3.3.4. Қуйидаги ҳолларда Қарздорни бундан буён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин, жумладан ундирувни кредит таъминоти ва қарздорнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари, банк пластик картаси ҳамда омонат ҳисобварақларида турган пул маблағларига қаратиш орқали ундириш:

а) кредитдан мақсадсиз фойдаланилганда;

б) кредит бўйича асосий қарз ҳамда унга ҳисобланган фоизлар бўйича тўловларни шартномада белгиланган муддатни бир йилда икки ва ундан ортик мартаба бузган ҳолда тўланмаганда;

в) қарздор томонидан Банкка кредит ҳужжатлари расмийлаштирилаётганда тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланганда;

г) ажратилган кредитнинг қайтарилиши турли сабабларга кўра таъминланмаган бўлиб қолган ҳолларда, шунингдек кредит қайтарилишига салбий таъсир кўрсатувчи мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганда.

Бундай ҳолларда Банк олдиндан 10 кун аввал қарздорни огоҳлантиради, аммо қарздорнинг Банк томонидан огоҳлантирилмаганлиги Банкнинг бундан буён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин ундиришга бўлган ҳуқуқига ўз таъсирини кўрсатмайди.

3.3.5. Қарздорнинг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни Банклараро кредит бюросига тақдим этиш.

3.3.6. Қарздор шартнома тузилган кундан эътиборан бир ой ичида кредитдан фойдаланмаган тақдирда, Банк шартномани бекор қилиш ҳақида Қарздорни ёзма равишда хабардор этиш орқали шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш.

3.4. Қарздорнинг ҳуқуқлари:

3.4.1. Кредит маблағлари ажратилишидан 5 банк иш куни аввал Банкни хабардор қилган ҳолда кредит олишдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш;

3.4.2. Кредит қарздорликлари ва тўловлар миқдори, турлари бўйича Банкдан маълумотлар олиш.

3.4.3. Кредитлаш ва ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида Банкдан маълумот олиш.

3.4.4. Қўшимча тўлов амалга оширмаган ҳолда исталган вақтда кредитни муддатидан олдин қайтариш.

4. Ҳисоб-китоблар тартиби

4.1. Мазкур шартномада кўрсатилган шартлар асосида Банк автомобилнинг тўлиқ қийматини Қарздорнинг ссуда ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан сотувчи ташкилотга ўтказиб беради.

4.2. Қарздор берилган кредит учун фоизларни Банкка мазкур шартномада белгиланган муддатда ва миқдорда Банк амалга оширган ҳисоб-китоб асосида тўлайди.

4.3. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳар куни Банк томонидан ҳисоблаб борилади.

Қарздор шартнома шартларига асосан ажратилган кредитни ҳамда у бўйича ҳисобланган фоизларни нақд пулда ёки нақд пулсиз шаклида, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда банк пластик карталари орқали амалга оширади. Аввал кредит бўйича муддати ўтган фоиз, кредит бўйича муддати ўтган қарздорлик, муддатли фоиз, муддатли кредит қарздорлигини тўлаш, ундан сўнг қарз олувчининг бошқа тўлов мажбуриятларини бажариш.

4.4. Мазкур Шартнома бўйича Банк ўз талабларини қаноатлантириши учун зарур бўлган пул маблағларини Фуқаролик кодексининг 783-моддасига асосан, қарздорнинг ҳисобварағида (яъни, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари, банк пластик картаси ҳамда омонат ҳисобварағларида ва бошқалар) турган пул маблағларини тўлов талабномаси ёки мемориал ордер орқали сўзсиз тартибда Қарздорнинг розилигисиз ечиб олиш орқали кредит қарздорлигини қоплашга ҳақли.

4.5. Микроқарз шартларининг реструктуризация қилиниши, қарз олувчи томонидан микроқарз қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловларининг миқдорлари ўзгарганда банк кредитни қайтариш жадвалини янгидан тузилишини таъминлайди.

5. Кредит қайтарилишининг таъминланиши

5.1. Мазкур шартнома асосида ажратилган кредит сотиб олинаётган автомобиль гарови, автомобиль гаровга олингунга қадар кредитнинг 125 фоизидан кам бўлмаган миқдорда _____ билан таъминланади.

5.2. Банкнинг ушбу шартнома бўйича мажбурияти (кредит ажратиш) кредит олиш учун тақдим этиладиган барча ҳужжатлар, хусусан кредит қайтарилишининг таъминланишини белгиловчи ҳужжатлар белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштирилгандан ва у Банк томонидан олингандан сўнг кучга киради.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Қарздор томонидан асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилганда (муддати ўтган кредит), Қарздор Банкка бутун кечиктирилган давр учун шартномада белгиланган фоиз ставкасининг 1,5 барабар оширилган миқдорида юқори фоиз тўлайди.

6.2. Мазкур шартномада белгиланган муддатда Банк томонидан кредит маблағини ажратиш кечиктирилганида, Банк Қарздорга кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Томонларнинг жарима ёки пенялар тўлаши тарафларни шартнома шартларини бажариш мажбуриятидан озод қилмайди.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Томонлар ушбу шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низоларни музокара ва маслаҳатлар йўли билан ҳал қиладилар.

7.2. Агарда кўрсатиб ўтилган келишмовчилик ва низолар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан Фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳал этилади.

8. Бошқа шартлар

8.1. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, томонлар имзолаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми (Илова) бўлиб ҳисобланади.

8.2. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

8.3. Ушбу шартнома бекор қилинишида қарздор кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни тўлиқ қайтариши шарт.

8.4. Банк Қарздорнинг кредит тарихини шакллантириш учун зарур маълумотларни Марказий банкнинг КАТМ базасига ва кредит бюроларга тақдим этади ҳамда олади.

8.5. Томонларнинг манзиллари ўзгарган ҳолларда 10 кун муддат ичида албатта бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

8.6. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

9. Томонларнинг юридик манзиллари ва имзолари

Банк	Қарздор
Манзил:	Манзил:
	Паспорт маълумотлари:
СТИР:	СТИР:
<hr/> <i>(филиал раҳбари, Ф.И.Ш., имзоси)</i> <hr/> <i>(бош бухгалтер Ф.И.Ш., имзоси)</i> <hr/> <i>(ҳуқуқишунос-маслаҳатчи Ф.И.Ш., имзоси)</i> <i>мўҳр, сана _____ й.</i>	<hr/> <i>Ф.И.Ш, имзо)</i> <i>сана _____ й.</i>

